

## Қўрққанда айтиладиган дуо



09:35 / 29.05.2025 1311

Валид ибн Валид розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Бу киши: «Эй Расулуллоҳ, мен ўзимда қўрқувни ҳис қиляпман», деганида, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Тўшагингга ётганингда:**

نَاوْنِي طَائِيَّاتٍ لِّأَسْمَاءَ مَوَدَّابِ عَرَّشٍ وَوَبِأَقْعَوِ وَبِضَعِّ نَمْرٍ مَّا تَلَّه لَلِأَسْمَاءِ كَبُّ ذُوْعٍ  
نُورُضْحِي

**«Аъзузу бикалимаатиллаҳит таммати мин ғозобиҳи ва ѓиқобиҳи ва шарри ѓибадиҳи ва мин ҳамазатиш шайатийни ва ан йаҳзуруни»**, деб айт, шунда сенга бирор нарса зарар бермайди ёки яқинлаша олмайди», дедилар.

Маъноси: Аллоҳнинг мукамал калималари билан Унинг ғазабидан, азобидан, бандаларининг ёмонлигидан, шайтон васваса қилиб, менинг

ҳузуримда ҳозир бўлишидан паноҳ тилайман.

*Ибн Сунний ривояти.*

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан**

**Таржимон Анвар Аҳмад**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.